

Кийиниш ҳар кимнинг ўз шахсий иши эмасми?



09:10 / 05.08.2019 2998

Эътибор билан қарайдиган бўлсак, Ислом динининг батафсил ҳукмларини баён қиладиган барча манбаларимизда «Либос китоби» бор. Айниқса, ҳадис, тасаввуф ва фикҳ китобларимизда бунга алоҳида эътибор берилган.

Ислом дини Аллоҳ таолонинг мукаммал, барча замон ва маконларга салоҳиятли дини ўлароқ, инсон ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган. Шу билан бирга, кийиниш ҳам инсон ҳаётининг муҳим соҳаси экани ҳаммамизга маълум. Ислом бошқа ҳамма соҳаларда ўз кўрсатмаларини берса-ю, кийиниш борасини тарк этса, унинг мукаммаллигига футур етган бўлар эди.

Шунинг учун Исломда бу масала ҳам бошқа масалалар қатори, етарли даражада муолажа қилинган. Бу эса мусулмонлар учун бахтдир, шарафдир. Чунки улар ҳаётнинг бошқа соҳаларида бўлгани каби, кийиниш

масаласида ҳам тайёр таълимотларга амал қилиб, икки дунё саодатига эришиш учун яна бир илоҳий ёрдам ола биладилар.

Бошқалар эса бу соҳада ҳам талашиб-тортишиб, «меники тўғри, сеники нотўғри», дейиш билан овора бўладилар. Оқибатда ҳаммасиники нотўғри бўлиб чиқади.

Баъзилар «Кийиниш масаласига бунчалик эътибор беришнинг боиси нима? Бу арзимаган нарса-ку! Ахир, кийиниш ҳар кимнинг ўз шахсий иши эмасми?» дейишлари мумкин. Уларга «Аввало, кийиниш арзимаган нарса эмас. Кийим инсонни бошқа ҳайвонлардан ажратиб турувчи фазилатлардандир. Қолаверса, Исломда инсон ҳаётининг арзимайдиган бирор жойи йўқ, балки инсон ҳаётининг ҳамма соҳалари ҳар қанча эътиборга сазовордир. Шу билан бирга, муслмон киши ҳар бир амалида, ҳатто шахсий ишларида ҳам илоҳий таълимотга амал қилиши билан бошқалардан ажралиб туради», деб жавоб берилади.

Инсоннинг кийиниши унинг ички маънавий дунёсининг сиртда акс этишидир. Қайси инсонда ҳаё, уят, ор-номус каби тушунчалар бўлса, ўша инсон ўзининг обрўсини сақлайдиган, бошқаларнинг нафратини қўзитмайдиган бўлиб кийинади. Мазкур тушунчалардан йироқ кишилар эса ярим-яланғоч юришлари ёки бошқача ҳолга ўтишлари ҳеч гап эмас.

Бунинг устига, кийим-бош инсоннинг доимий ҳамроҳи бўлганидан кейин унга таъсир қилиши турган гап. Мисол келтирадиган бўлсак, аскарларга ўзига хос кийим кийдириш ҳамма халқларда қадимдан одат бўлиб келган. Бу, аввало, аскарларга ўз вазифасини адо этишида қулайлик туғдирса, иккинчидан, махсус кийим уларга таъсир қилиб, аскарлик руҳини тутиб туришда, балки кучайтиришда иш беради. Ҳатто оддий одам ҳам аскарларнинг кийимини кийиб олса, аскарларга ўхшаб, шахдам юришга ҳаракат қилиб қолиши шундан. Ана шу ва шунга ўхшаш бошқа кўпгина эътиборларга кўра, Исломда кийим-бошга алоҳида эътибор берилган.

Муслмон шахснинг амалий ҳаётига оид шаръий ҳукмларни баён қилувчи фикҳ китобларида кийиниш маданияти ҳақида батафсил сўз юритилиши инсоннинг бахт-саодати учун қўшилган ҳиссадир, десак, муболаға қилмаган бўламиз.

«Мукамал саодат йўли» китобидан